



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 18 сентябрь, № 184 (5604)

Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг
таклифига биноан, 2012 йил 19 — 21 сентябрь кунлари
давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги
ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий
ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни
муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма
баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги
муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни
чүқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланади.

Ўзбекистон — Корея: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Очиг ва азалдан бир-бирига дўстларнинг,
давр синовидан ўтган шерикларнинг
ишончли мулоқоти. Ўзбекистон
Республикаси ва Корея Республикаси
ўртасидаги икки мамлакат халқлари
манфаатларига мос келадиган стратегик
шериклик асосига қурилган замонавий
давлатлараро муносабатларни комил ишонч
билан ана шундай ифодалаш мумкин.

Пухта ва ишончли алоқа-
ларни ҳар томонлама муста-
таҳкамлаш икки дўст мам-
лакат ташқи сиёсатидаги
устувор қирралардан бири
бўлиб қолди. Янги тарихий
шароитларда Ўзбекистон ва
Корея ўртасида ўзаро ман-
фаатлар мувоzanати ҳамда
ижтимоий-иқтисодий ри-
вожланишнинг миллий ус-
туворликларига асосланган
ўзаро ҳамкорликнинг прин-
цип жиҳатдан янги модели
бунёд бўлмоқда.

Маълумки, Корея Рес-
публикаси Ўзбекистон
Республикасининг муста-
қиллигини 1991 йил 30 де-
кабрда тан олган бўлиб,
тез орада, яъни 1992 йил-
нинг 29 январидан мамла-
катларимиз ўртасида дип-
ломатия муносабатлари
ўрнатилган эди.

Олий даражадаги учра-
шувларнинг мунтазам тус
олгани томонларнинг самар-
рали ҳамкорликини кенгай-
тириш йўлини туттишга
бўлган интилишини яққол
тасдиқлайди. Бундай учра-

шувларнинг ҳар бирида
давлатлараро шериклик-
нинг жуда муҳим масалала-
ри юзасидан икки давлат
раҳбарларининг ўзаро
ишончли ва амалий фикр
алмашувлари ҳамкорлик са-
марадорлигининг ошишига
хизмат қилмоқда.

Икки томонлама ҳамкор-
ликнинг шартномавий-
ҳуқуқий замини 100 дан
зиёд ҳужжатларни ташкил
этадики, улар давлатлари-
миз ўртасида турли йўна-
лишлар бўйича биргаликда-
ги ҳаракатларни тартибга
солади.

Шу пайтга қадар олий
даражадаги ўн битта учра-
шув бўлиб ўтди. Стратегик
шериклик тўғрисидаги
Қўшма декларациянинг им-
золаниши Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти
Ислам Каримовнинг 2006
йил март ойида Корея Рес-
публикасига давлат ташри-
фининг асосий натижаси
бўлди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида ишонч билан дадил бормоқда»

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференцияда иштирок этган таниқли хорижлик экспертлар ана шундай фикр билдиришмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг
ташаббуси билан
12 — 14 сентябрь кунлари
Тошкент шаҳрида ташкил
этилган «Ўзбекистонда
ижтимоий-иқтисодий сиёсатни
амалга оширишда кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорликнинг
роли ва аҳамияти» мавзудаги
халқаро конференция юксак
савия ва ишчан муҳитда ўтди.
Айниқса, Президентимизнинг
анжуман очилиш маросимидаги
нутқи нуфузли халқаро
институтлар вакиллари, етакчи
олим ва мутахассислар,
дунёнинг 45 мамлакатидан
ташриф буюрган
иштирокчиларда катта
таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи» мухбирлари
уларнинг айримлари билан
суҳбатда бўлди.



Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Кхуат Нам ТРУОНГ,
«Nhat Minh Investment
Development
Telecommunication»
компанияси бош директори
(Вьетнам):

— Давлатингиз раҳбарининг
халқаро конференцияда
сўзлаган нутқини зўр мамну-
ният ва ўзгача мароқ билан
тингладим. Сабаби, унда ай-
тилган фикр-мулоҳазалар ху-
сусий секторни тараққий эт-
тириш, шунинг ҳисобига айна
пайтда янада чуқурлашиб бо-
раётган глобал молиявий-
иқтисодий инқироз оқибатла-
рини бартараф қилиш, аҳоли-
нинг ижтимоий фаровонлиги-

ни оширишда асос бўлиб хиз-
мат қилади.

Ўзбекистонда тарихан
жуда қисқа вақт ичида мулк-
чиликнинг бутунлай янги
шакли — кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлар сафи
шаклланиб, иқтисодиётнинг
муҳим таркибига айлангани
алоҳида эътиборга молик.
Чунки янги соҳа 20 йил ичи-
да ривожланиш босқичига
чиқиб олди. Бугунги кунда
мавжуд барча ҳўжалик юри-
тувчи субъектларнинг 90
фоиздан ортигини кичик кор-
хоналар ташкил этиши, улар-
нинг мамлакат ялпи ички
маҳсулотидagi улushi 54 фо-
изга, sanoatда 22, қишлоқ

хўжалигида 98 фоизга етга-
ни шундан далolat беради.

Биз, халқаро конференция
иштирокчилари тадбир доира-
сида кичик корхоналар, касб-
хонар коллежларида бўлиб,
юртингизда олиб борилаётган
ислохотлар самарасини ўз
кўзимиз билан кўришга му-
ваффақ бўлдик. Хусусан, за-
монавий корхоналар учун ма-
лакали кадрлар тайёрлаш ти-
зими яхши йўлга қўйилгани
эътиборимни тортиди. Яъни
коллекж ўқувчилари таълим
билан амалиётни уйғунликда
олиб боришар экан. Шу боис
улар ўқишни тамомлагунича
ўзининг мутахассислиги бўйи-
ча чуқур билимга эга бўлиш

баробарида, замонавий тех-
нологияларни бемалол бош-
қаришни ўзлаштириб олиша-
ди. Вьетнамда эса ўқувчилар
ўқишни тугатгач, амалиётга
жалб этилади. Ўзбекистонда-
ги «коллекж — корхона» ҳамкор-
лиги бўйича тўпланган тажри-
ба бизда ҳам қўлланилса
бўлар экан, деган фикрга
келдим.

Умуман, юртимга катта
таассуротлар билан қайтап-
ман. Айниқса, эртақмонанд
шаҳар — Самарқандга уюшти-
рилган сафар бир умр хоти-
рамда муҳрланиб қолади.

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

Президентимизнинг
«Ўзбекистонда ижти-
моий-иқтисодий
сиёсатни амалга
оширишда кичик
бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг
роли ва аҳамияти» мавзуда-
ги халқаро конферен-
циянинг очилиш
маросимидаги нутқи
миллионлаб ватандош-
ларимиз қаторида
мени ҳам тўлқинланти-
риб юборди.

Эътибор эзгу мақсадларга ундамоқда

Чунки шу соҳа ва-
кили сифатида муста-
қиллик йилларида
мамлакатимиз иқти-
содий тараққиёт
йўлига чиқиб олгани-
ни кўрдик, янада юк-
сак чўққиларни забт
этишимизга аминман.
Айниқса, бугунги кун-
га келиб кичик бизнес
ва хусусий тадбир-
корлик ички бозорни
рақобатбардош мах-
сулотлар билан
тўлдиришда, аҳолини
иш билан таъминлаш-
да, турмуш фаровон-
лигини оширишда му-
ҳим ўрин тутаётгани
хаёт воқелигига
айланди.

Қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини қайта
ишлашга ихтисос-
лаштирилган корхо-
намиздан қиёс: уни
1996 йилда ташкил
этиб, уч киши билан
иш бошлагандик.
Ҳозир эса жамоамиз
аъзолари ўн беш
нафарга етган.
Уларнинг фидокоро-
на меҳнати билан
20 турдан зиёд тайёр
маҳсулотлар ишлаб
чиқарилапти.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда:

Сирдарё

Вилоятда истиқболли лойиҳаларнинг хаётга
изчил татбиқ этилиши натижасида шу йилнинг ўтган
8 ойи мобайнида 17 миллион 535 минг АҚШ долла-
рилик маҳсулот экспорт қилинди.

Спорт кийимлари — экспортга

— Бизга яратилган шароитлар ишлаб чиқариш ҳаж-
мини ошириш имконини бермоқда, — дейди «Мос-Ян
текс» қўшма корхонаси раҳбари Шерзод Хайдаров. —
Яқинда ўз сафимизга 40 нафар коллеж битирувчилари-
ни қўшдик. 140 кишилик жамоамиз томонидан тайёрла-
наётган 12 турдаги спорт кийимлари, асосан, хорижга
сотилапти. Жумладан, шу йилнинг 8 ойи давомида
1 миллион 750 минг АҚШ долларлик маҳсулотимизни
чет эллик буюртмачиларга етказиб бердик.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Нурота туманининг Чўя қишлоғидаги иқтисодийёт касб-
хонар коллежини тугатган Муҳаббат Раҳимова банкнинг
имтиёзли кредити эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди.

Битирувчининг хусусий корхонаси

Мазкур сармоя «Чўя
марвариди» хусусий корхо-
насини ташкил этишга
йўналтирилди.

Ҳамқишлоқлари ёш тад-
биркорнинг ташаббусини
қўллаб-қувватлашди. У тенг-
дошларидан саккиз нафар
чеварни доимий ҳамда
10 нафар аёлни касаначи-
лик асосида ишга қабул
қилди. Ҳозир тадбиркор ўзи
тахсил олган коллеж буюрт-

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда

Яқин вақтларгача «Қўқонмаш» очиқ акциядорлик жамиятида машинасозлик sanoati
корхоналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилар эди.

Фарғона

Эндиликда жамият аъзола-
ри бугунги кун талабидан ке-
либ чиққан ҳолда, асакалик ав-
томобилсозлар учун бутловчи
қисмлар ишлаб чиқаришни

ҳам йўлга қўйди. Ҳозир бу
ерда тайёрланаётган 34 тур-
даги маҳсулотлар буюртмачи-
ларга етказиб берилмоқда.

Шунингдек, корхонада Ма-
халлийлаштириш дастури дои-

расида яна 15 турдаги бутлов-
чи қисмлар ўзлаштирилиб,
лаборатория синовидан ўткази-
лапти.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чуст матолари жозибаси

Чуст шаҳридаги «Styletextile» масъулияти чекланган жамияти вилоят экспорт
салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналардан бири. Бу ерда
ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича яна бир лойиҳанинг амалга оширилиши
маҳсулот сифати ва дизайнини янада такомиллаштириш имконини берди.

Наманган

Хусусан, корхонага 150 минг АҚШ доллар-
лик инвестиция йўналтирилиб, матога безак бе-
рувчи замонавий ускуналар ўрнатилди. Янгилик
жорий этилиши билан қувватлар ортиб, ишчи-
лар сони 110 кишига етди. Пировардида жорий
йил бошидан буён ташқи бозорга 1 миллион
444 минг АҚШ долларлик маҳсулот чиқарилди.

Таъкидлаш лозимки, вилоятда истиқбол-
ли лойиҳаларнинг изчил рўёбга чиқарили-
ши туфайли жорий йилнинг саккиз ойида
60,6 миллион АҚШ долларига тенг экспорт
амалиётлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу
давридагига нисбатан 12 фоиз ўсишга
эришилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Жондор туманидаги «Якка-
тут савдо-ишлаб чиқариш»
масъулияти чекланган жамия-
тида модернизация тадбирла-
ри амалга оширилиши нати-
жасида қўшимча 20 та иш
ўрни яратилиб, меҳнат қилаёт-
ганлар сони 70 нафарга етди.

Тежамкор технология афзаллиги

Корхонада қунига олти миш тонна
донни қайта ишлаш қувватига эга
янги технологик линия ишга туши-
рилгач, сифат тубдан яхшиланиб,
ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Саба-
би, янги технология энергияни кам
сарфлаши баробарида, бошқаруви
осон, маҳсулот чиқариш тезлиги
юқори. Мазкур бизнес лойиҳани
хаётга татбиқ этишда банкнинг 450
минг АҚШ долларлик кредитидан
фойдаланилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУВ УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида
республикамиз бўйича фойдаланишга
топширилган сув узатиш тармоқларининг
умумий узунлиги

980,9

километрни ташкил қилди.

Аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш
мақсадида амалга оширилган бу ишларнинг асосий
қисми қишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келгани,
мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат
қилаётган одамларни сифатли обихаёт билан узлуксиз
таъминлаш имконини берди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ташкил этилган "Tashkent Open — 2012" халқаро турнирининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.

Таяқдлаш жоизки, Аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи ушбу мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошириб бормоқда. Жорий йилги баҳсларда WTA рейтингда юқори ўринларни банд этиб турган 23 нафар ракетка устасининг қатнашгани ҳам бунинг аяққол тасдиғидир.



Ғолиб ва совриндорлар аниқланди

Хусусан, Анна Чакветадзе, Александра Панова (Россия), Моника Никулеску (Руминия), Урсула Радваньска (Польша), Ализе Корне (Франция), Магдалена Рибарикова (Словакия), Александра Каданту (Руминия), Бояна Йовановски (Сербия), Ева Бирнекова (Чехия) каби катта тажриба ва юқори малакага эга бўлган бу спортчилар иштирокидаги ҳар бир баҳс муҳлисларга оламолам завқ бағишлади.



Кўтаринки кайфият ва байрамона руҳда ўтган турнирнинг аяққол беллашувларида беш соврин руминиялик Ирина-Камелия Бегуга nasib қилди. У финалда хорватиялик ёш иктидор эгаси Донна Векичани маглубиятга учратди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, 16 ёшли Доннанинг финалгача етиб келиши "Tashkent Open — 2012"нинг шов-шувли воқеаси сифатида эътироф этилди.

Жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда Полина Пехова (Беларусь) ва Пауло Каниа (Польша) тандеми муваффақиятга эришди. Бу икки ёш теннисчи финалда Анна Чакветадзе (Россия) ва Весна Долонц (Сербия) жуфтликдан устун келди. Полина ва Пауло ҳал қилувчи ўйинда галабани ортқича қийинчиликсиз кўлга киритишди. Бунга Чакветадзе елкасидаги эски жароҳати безовта қилгани тўғрисида беллашуви давом эттира олмагани сабаб бўлди.

Ҳалқаро турнирнинг ёпилиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов қатнашди.

— Ушбу мусобақани узок

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: "Атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлигини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўналишидаги муҳим масалаларни ҳал этишда ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш".

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини янада юксалтириш, мамлакатимиз ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш;
- биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан унқили фойдаланиш, маҳсул қийинчиликни утилизация қилиш ва қайта ишлаш;
- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни асраш ва бошқа иштининг аҳолига эга йўналишлардаги муҳим давлат дастурларини фаол ва самарали амалга оширишга ННТларни жалб этиш;
- аҳолининг турли қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик номақбул ҳудудлардаги аҳолининг саломатлигини ўрганиш ва профилактикасига амалий кўмаклашиш;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини, ресурсларни ва бошқа инновацион технологияларни, айниқса, қишлоқ жойларида, чекка ҳудудларида аҳоли соғлигини сақлаш объектига фаолияти, шахсий томоғқа, деҳқон хўжалиқлари ва оилавий бизнесни юритишга кенг татбиқ этиш;
- экотуризм ва реабилитацион-соғломлаштириш соҳаларининг институционал ва меъёрий ҳужужий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат таш-

килотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги қурағу хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусخаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ҳамда мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 15 октябрь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳқўчаси, 1-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда қатнашиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтыда танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

Кино ҳафталиги

Кеча пойтахтимизда қозоқ киноси кунлари ҳафталиги бошланди. "Ўзбекино" миллий агентлиги ва Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар қатори маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланыпти.

Тадбир

Масалан, Қозоғистонда таниқли ўзбек рассомлари асарларининг кўргазмалари ташкил этилаётган, халқаро кинофестиваллари ташкил этилмоқда, музика ва театр жамоаларининг гастроль сарфлари амалга оширилади. Ўзбекистонда киноиндустрияси билан турли анжуман ва танловларда муваффақиятли қатнашиб, қўшни мамлакатда бадий фильмлари тақдимотларини ўтказишмоқда. 21 сентябрга қадар давом этадиган ҳафталикда қозоқ киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Болалигим осмонни", "Қиз жибек", "Жеруйиқ", "Биржансал" каби фильмлар тақдимоти бўлади.

Томошлар пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносаройда бўлиб ўтмоқда.

Саодат УСМОНОВА.

Реклама ва эълонлар

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси

Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган илмий тадқиқот, меъёрий-услубий ишларни ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар дастурини шакллантириш мақсадида лойиҳалар танловини эълон қилади.

2013 йилда Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган илмий тадқиқот, меъёрий-услубий ишларни ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар дастурини ўз мuddатида тайёрлаш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси бўлимига жорий йилнинг 1 октябрь куни соат 18.00 га қадар танловга қўйилган талаблар асосида топширилиши шарт. Кўрсатилган вақтдан кейин топширилган лойиҳалар кўриб чиқилмайди ва муаллифларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Танлов лойиҳасида иштирок этиш учун қўйилган талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси номига тақдим этилаётган лойиҳанинг номи кўрсатилган расмий хат (ариза).
- Тақдим этилаётган лойиҳанинг иш тавсифи:
 - лоийҳанинг тўлиқ номи;
 - лоийҳанинг қисқа мазмуни (2-3 бет);
 - лоийҳанинг бажарилиш мuddати (йил, ой, кун);
 - лоийҳанинг мақсади, республикада яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича қўйилган талабларнинг амалга оширилиши (1 бет);
 - лоийҳадан қўйилган экологик ва иқтисодий натижа тўғрисида (0,5-1 бет);
 - лоийҳани амалга оширишда бошқа ташкилотларнинг иштирок этиши тўғрисида.
- Лойиҳанинг ҳисоб-китоб харажати (тасдиқланган).
- Лойиҳанинг бажарилишидаги тақвимий режаси.
- Лойиҳа тўғрисида вазирлик ва идораларнинг тавсияси.

Изоҳ:
— тақлиф қилинган лойиҳалар кўрсатилган тартибда тақдим этилмас, комиссия томонидан кўриб чиқилмайди;
— қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 239-49-21, 239-16-05.

Тақлифлар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 5-қават, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси, 507-хона. Телефонлар: (8-371) 239-16-05, 239-49-21.

ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

«ТОШКЕНТ

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«AGTECH AGRI» ШУББА КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан Англияда ишлаб чиқарилган JCB компаниясининг

Экскаваторлари

ҲАМДА

Юкловчи экскаватор

техникаларини тақлиф этади.

Шунингдек, Жон Дир компаниясининг турли хилдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилади.

Техникаларнинг кафолат мuddати бир йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Хизматлар лицензияга эга.

Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 3/75. Тел.: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29. E-mail: info@agtech.uz www.agtech-agri.uz

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

шунингдек:

КАФЕЛЬ

(девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА

(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)

Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.

Савдо шохбўчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127 zakamsk-group@mail.ru

«КОСНМАС MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичлама-боғичлаб охири шартини таъминлайдиган очiq аукцион савдоларида тақлиф этади!

1. Аукцион савдоларига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда, тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ясавий Агросервис» МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони — 6793,75 кв.м., қурилиш майдони — 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси.

Бошланғич баҳоси — 220 602 690 сўм.

2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6571-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Арганчи универсал сервис» МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Арганчи» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони — 224,29 кв.м. бўлган омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 27 476 010 сўм.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ҳаракатчанлик соғлиққа фойда

Ҳафтасига 150 дақиқа фаол ҳаракатда бўлган аёлларда кўрак саратони хасталиги келиб чиқиш хавфи сезиларли даражада камаяди. Буюк Британия олимлари шундай фикрни илгари суришмоқда.

Мутахассислар бу борадаги тадқиқот ишларига мазкур касалликка чалиниш эҳтимоли бўлган саккиз минг нафар аёлни жалб этганлар. Уларга жисмоний машқларни бажариш тавсия қилиниб, ҳар бир иштирокчининг хатти-ҳаракатлари синхронлаб қузабтиборилган. Юқунда фаолиқ кўрсатганларда саратонга чалиниш хавфи 13 фоизга камайгани аниқланган. Гоҳ-гоҳ машқ бажарганларда бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этган. Ялқовларда эса касаллик эҳтимоли ортгани кузатишган.

Нефть нархи ошди

«NYMEX» биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида нефть нархи 1,63 АҚШ долларига қимматлашди. Бу ҳақда «Bloomberg» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Шу тариқа жаҳон бозорида «қора олтин»нинг бир баррели 100,26 АҚШ долларига етди. Бунга АҚШда иқтисодийни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар сабаб бўлгани айтилмоқда. Мамлакат Федераль захира тизими муттасил ўсиб бораётган иттиҳотида барҳам бериш ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида ипотека агентликлари облигацияларини сотиб олишга қарор қилган. Натижада халқаро фонд бозори-

Қурилиш лойиҳаси тўхтатилди

АҚШнинг Сан-Антонио (Техас штати) шаҳрида олиб борилаётган, қиймати 15 миллион долларга тенг бўлган қурилиш лойиҳаси тўхтатилди.

Бунга бунёдкорлик ишлари кетаётган ҳудуддан камдан-кам ўчрайдиган ўргимчак тўри топилиши сабаб бўлди. Чунки «Cicuta venii» дея номланган ушбу хашарот давлат муҳофазасига олинган.

Бунгача АҚШ ҳудудида ташқи кўриниши шаффоф, кўзлари йўқ бундай ўргимчак тўрига 1980 йилда дуч келинганди.

Хозир хашарот Техас техника университетига олиб келинган. У топишган ҳудудда эса қурилиш ишлари давом эттирилмайдми. Чунки ер остида ана шаффоф ўргимчаклар борлиги тахмин қилинмоқда.

АЭСлардан воз кечмоқчи

Япония ҳукумати 2040 йилгача мамлакатдаги барча Атом электр станциялари фаолияти тўхтатилишини маълум қилди.

2011 йилнинг март ойида «Фукусима-1» АЭСида юз берган фожиа тўғрисида шундай хулосага келинган. Расмий Токионинг янги энергия сиёсатига кўра, 40 йилдан кўп фаолият кўрсатган реакторлар ёпилади ва эндиликда бундай объектлар барпо этилмайди. Айни пайтда мавжуд бўлган АЭСлар махсус текширувдан ўтказилади. Агар ижобий хулоса олинса, уларнинг муайян вақт мобайнида ишлаб туришига рухсат берилади.

Майялар даврига оид расм

Гватемаладаги қишлоқлардан бирида майялар даврига оид деворий сурат топилиди.

У Чахуль қишлоғидаги уйлاردан бирининг ошхонасида аниқланган. Расмда қадимий қабила маданиятига оид лавҳалар акс эттирилган.

Бостон университети (АҚШ) археолог Уильям Сатурнонинг айтишича, бу жуда ҳам ноёб расм ҳисобланади. Нега деганда, суратни ўрганиш жараёнида майялар билан боғлиқ янги маълумотларни кўлга киритиш мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Аукцион савдолари 2012 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2012 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандалақат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбан» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаш шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Мустиқиллик иншоотлари

Истиқлолимизнинг қутлуғ йигирма бир йиллик тўйини кўтаринки кайфият билан нишонлади. Бу сананинг халқимиз ҳаётида тугган ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида азалий одатларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланди, аждодларимизга хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжоларимиз обод қилинди. Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгарди. Халқимизнинг фаровонлиги юксалиб, эртанги кунга бўлган ишончи мустиқамланди. Эътиборлиси, бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.



Барқамол авлод — истиқболимиз таянчи

Юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар жаҳон афкор оммаси томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатаётди.

Фахр

Бундан 20-25 йил илгари ҳам гўёки ҳамма ёппасига таълим оларди, лекин бир шахснинг келгуси ҳаётида олган биллими қанчалик аҳамиятга эга бўлади, унинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши қандай кечади, деган саволларга жавоб топилмас эди. Ёшлар ўз келажини аниқ тасаввур эта олмагани ҳамда ўзларига нисбатан жамиятда ишончсизлик ҳукмрон бўлгани боис журъатсиз, бефарқ бўлиб, боқимандлик кайфиятига тўшиб қолган эди.

Бугунги янгиланиш ва ўзгаришларни кўринки, энг чекка қишлоқларимизда ҳам замонавий мактаблар қад ростлаб, барча ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ўқувчиларимиз эса нафақат вилоят, республика, балки халқаро фан олимпиадаларида ҳам юксак натижаларга эришяптилар. Таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган ислохотларни, улар бераётган илк натижаларни ҳаётимизнинг бошқа жаҳаларида кечаётган янгиланишлар билан боғлиқ ҳолда тасаввур этар эканмиз, ўзининг мустиқил фикрига эга, ватанпарвар ҳамда бугунги шиддатли замон талабларига муносиб жавоб бера оладиган ёшлар қудратли тўлқин мисол ҳаётга кириб келаётганлигига амин бўламиз. Бу эса Ватанимиз иқболи бундандала баланд бўлишидан ишонандир.

Санобар СОТВОЛДИЕВА, Учкўприк туманидаги 2-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби директори.

Шунингдек, Вьетнам маданияти кунлари доирасида ушбу халқнинг маданияти, урф-одатлари, анъана ва қадриятларига бағишланган фотокўргазма ташкил қилинди.

Айни пайтда кўргазма зали биносида тасвирий, амалий ва халқ хунармандчилиги санъати йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар асарлари асосида миллий истиқлол ғояларини тараннум этадиган, қадриятларимизга хурмат-эҳтиром туйғулари янада мустиқамлайдиган, муҳими, мунтазам янгилаб туриладиган кўргазмаларни йўлга қўйиш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу келгусида ушбу қошага ташир буюрувчилар сонининг ортишига, хунармандчиликда "Устоз — шогирд" анъаналарини изчил ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

шаббус — 2012" кўрик-танловининг шаҳар босқичи айнан шу бинода ўтказилди.

"Халқаро музейлар куни"нинг 35 йиллиги муносабати билан кўргазма залида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Фонд Форум" жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Фанлар академияси ҳамда "Ўзбекмузей" жамғармаси билан ҳамкорликда яна бир йирик тадбир — "Ўзбекистон музейларининг дурдоналари" номли кўргазма уюштирилди. Унда юртимизда фаолият юритаётган барча музейларнинг энг сара, ноёб экспонатларидан фотосуратлар олинди, намойиш этилди. Бу юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси халқимиз миллий қадриятларини янада бойитиш ҳамда келгуси авлодларга етказишда ўзига хос восита бўлиб, истиқлолимизнинг нодир иншоотларининг бири сифатида эътироф этилаверади.

Васила ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси директори, санъатшунос.

Бетакрор меросимизга эҳтиром

Бугун Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятига кўпчиликлilik ҳавас билан қарайди. Юртимизда барпо этилаётган муҳташам саройлар, давлат аҳамиятига молик муҳим иншоотлар, таълим муассасалари, тураржой бинолари, музей ҳамда кўргазма заллари, кўйинги, ҳар бир объект қурилишида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари шу қадар моҳирлик билан уйғунлаштирилмоқдаки, уларни кўрганда одамнинг хайрати ортади. Пойтахтимизнинг энг гўзал масканларидан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида жойлашган Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси биноси ҳам мустиқиллик йилларида қад ростлаган бетакрор бунёдкорлик намунаси ҳисобланади. У ўзининг салобати, меъморий ечими, безаклари билан яққол ажралиб туради. Бинонинг тўрт томони нақшинкор айвонлардан иборат бўлиб, қўли гул усталарнинг маҳорати ила ишланган устунлар унга ўзгача маҳобат бағишлаган. Бинонинг ичкари қисмида ганч ўймакорлиги усталари томонидан яратил-

ган гумбаз оғустида ҳаётимиз ва осмонлар қадар юксак келажакка бўлган ишончимизни яққол ифодалаган. Кўргазма атрофидаги қарийб йигирма гектарлик майдондаги манзарали дарактлар, ям-яшил майсалар эса ташқи манзарани бойитган.

Юртбошимиз 2006 йилнинг август ойида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида мазкур иншоотда ҳам бўлиб, меъморлар, муҳандислар, қурувчилар ва усталарнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, "Ушбу маданият ва санъат кўргазмаси биносининг бунёд этилиши халқимизнинг маънавий тақомилига хизмат қилади. Айни пайтда у аждодларимиздан қолган бетакрор маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва кенг миқёсда тарғиб этиш имконини ҳам беради. Барқарор ўсиш йўлидан бораётган, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган мамлакатдаги на давлат ва жамият ўз олдига ана шундай улғувор мақсадларни қўйиши ва уларга эришиши мумкин", дея таъкидлаган эди.

Айтиш жоиз, кўргазма зали қисқа вақт ичида юртдошларимиз ва хорижий сайёҳларнинг

диққат-эътиборидаги қадамжолардан бирига айланди. Бу замоналар синовидан ўтиб келаяётган, дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган бой тарихий меросимиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб дурдоналарини ўрганишга бўлган қизиқишнинг юқорилигидан далолатдир.

Кўргазма экспонатларидан энг қадрлиси ва ноёби, бу — Андижон вилоятининг Избоскан тумани Қўғай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймакори Йўлбарс Утаганов томонидан Юртбошимизга атаб ясалган ёғоч курси ва стол жамланмасидир. Мазкур ижод намунаси кўргазма залига тақдим этилган. Бу соғва мамлакатимиз

қанчалар бой тарихга эга эканлигидан, халқимиз маънавияти нақадар юксаклигидан сўзлаётгандек, гўё.

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси биносида азалий қадриятларимизни кенг тарғиб этишга, ёшлар онгидан она-юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғулари шакллантиришга қаратилган қатор кўргазмалар, маданият ва санъат намунадалари билан ижодий учрашувлар, истеъдодли созандаларнинг миллий ҳамда жаҳон мусиқа санъати дурдоналаридан ташкил топган концерт дастурлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, шу йил бошида ижодкор Ғайбулла Алиевнинг Ватан химоячилари кўнига бағишланган шахсий кўргазмаси бўлди. Хотин-қизлар кўнига бағишлаб "Аёл бармоғидан тўкилган куйлар" номли концерт дастури намойиш этилди. Унда кўшиқлар билан бирга, аёлларимиз томонидан миллий чолғу асбобларида куйлар ҳам ижро этилгани байрамга ўзгача фойз бағишлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Та-

Ноширлик: КИТОБ САНЪАТИ


Москва шаҳрида ўтказилган XXV халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида "Китоб санъати" IX давлатлараро танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Хушхабар

Қувонарлиси, ушбу маросимда қатнашган Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида юртимиз ноширлари томонидан нашр этилган китоблар муносиб баҳолалиб, совриндорлар қаторидан ўрин олди.

Эслатиб ўтамиз, "Китоб санъати" танлови 2012 йилнинг май ойида ташкил этилиб, унда МДХ мамлакатлари томонидан 120 дан ортиқ китоблар намойиш қилинганди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати

қарорига кўра, "Фонд Форум" томонидан 2011 йилда ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этилган "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" асари танловнинг "Маданият. Фан. Билим" номинацияси бўйича биринчи ўринга, "Санъатга оид китоб" номинациясида эса иккинчи ўринга муносиб, деб топилди. Шунингдек, "Фонд Форум" томонидан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижод уйи билан ҳамкорликда 2009 йилда ўзбек,



рус, инглиз ва япон тилларида нашр қилинган "Шарқона хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари" асари танловнинг "Ҳамкорликда чоп этилган" номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Ушбу китобда наққошлик, китоб миниатюраси ва хаттотлик санъати намуналари акс этган.

Фозила АШУРОВА.

Реклама ва эълонлар

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Тетра Стюар» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар орасида «МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги кўшиқлар фестивалини эълон қилади. Фестивальнинг асосий шартлари: кўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади. Фестивальнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир. Фестиваль лауреатлари 2012 йил охирида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлиналарида ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

HALQ BANKI «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги 2012 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг халқаро кредит рейтингларини В+/В Барқарор даражасида тасдиқлади.

ОБ-ҲАВО (18 сентябрь) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: +10 +15 +26 +31 Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида: +11 +16 +27 +32 Бухоро ва Навоий вилоятларида: +10 +15 +26 +31 Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида: +10 +15 +25 +30 Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида: +10 +15 +26 +31 Тошкент шаҳрида: +13 +15 +28 +30

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улғумуродов. Мусахҳчи — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5